



**Халқ қабулхоналари
ва ҳоким ёрдамчилари**
«Маҳаллабай» ишлаши самара бераётир **7**



ЎЗБЕКИСТОНДА
УЙ СОТИБ ОЛИШ УЧУН 17 йил ишлаш КЕРАК **7**

Маҳалла

№ 9
(2043)
5 март 2022 йил

www.xolisnazar.uz
@Xolis_nazar
@Xolisnazar



МАҲАЛЛАДА ЯНГИ ТИЗИМ ВА ЯНГИЧА БОШҚАРУВ

КАТТА ҲАЁТИЙ ТАЖРИБАГА
ЭГА БЎЛГАН РАҲБАРГА КАТТА
МАСЪУЛИЯТ ҲАМ ЮКЛАНДИ

Давоми 2-саҳифада.



**ИМТИЁЗЛИ
КРЕДИТ
КАМБАҒАЛЛИКНИ
ҚИСҚАРТИРА ОЛАДИМИ?** **5**

Қуролли низода
иштирок этиш
**ХАЛҚАРО
ЖИНОЯТДИР**

Айрим ижтимоий
тармоқларда Россия ва
Украина уртасидаги қуролли
тўқнашувда иштирок
этиш истагини
билдирувчилар
ёки бунга даъват
қилувчилар
учрамоқда.

3

КАРТОШКА



6

**ТАЪМИНОТИ ВА НАРХИДАН
ХАВОТИР БОРМИ?**

ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАР МЕҲНАТИГА БАРҲАМ БЕРДИ **8**

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИГА **5**

**МАСЪУЛЛАР НЕГА
МУРОЖААТГА
ЭЪТИБОРСИЗ?**

**ОНЛАЙН
САВДОДАГИ
ФИРИБГАРДАН
ХУШЁР БЎЛИНГ!** **7**



РОССИЯ — УКРАИНА:

**ЗИДДИЯТ
ИНҚИРОЗНИ
ИМКОНИЯТГА
АЙЛАНТИРА
ОЛАДИМИ?** **3**



МАҲАЛЛАДА ЯНГИ ТИЗИМ ВА ЯНГИЧА БОШҚАРУВ

КАТТА ҲАЁТИЙ ТАЖРИБАГА ЭГА БЎЛГАН РАҲБАРГА КАТТА МАСЪУЛИЯТ ҲАМ ЮКЛАНДИ

Янги Ўзбекистон ривожланиш соҳасида янги даврга қадам қўйди. Ислохотларнинг бош мезони ҳамда тараққиётнинг асл моҳияти инсон қадри учун хизмат қилсагина ўз ҳаётлигини сақлаб қолади.

Инсон бу дунёда ўз қадрига эга бўлиб яшасагина тўлақонли ҳаёт кечиради, Инсон бўлиб яшайди. Шу маънода давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар, ҳаётий дастурлар ижроси моҳияти ҳам инсонларнинг чин маънода бахтли ва шодумон умр кечиришига қаратилгани билан янада аҳамиятлидир.

Бу ҳақда сўз борар экан, сўнгги йилларда маҳаллани том маънода ислохотлар марказига айлантириш ва одамларнинг мавжуд муаммоларини шу ернинг ўзида ҳал этишга қаратилган халқпарвар сиёсатни ҳаётга кенг татбиқ этишга доир ҳаётий қадамлар ташланди.

Жумладан, фуқаролар муурожаатлари билан ишлаш бўйича «хонадонбай» ва «маҳаллабай» иш тамойиллари амалиётга жорий этилди. Бунинг натижаси ўлароқ, одамларнинг ижтимоий турмуш ҳолатини яхшилаш, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ва фуқароларга ҳар томонлама, манзилли кўмак кўрсатишнинг янги шакли — «Темир дафтар» ва «Аёллар дафтари» каби қатор тизимлар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди.

Албатта, бевосита маҳалланинг ўзида амалга оширилаётган мазкур амалий ишлар моҳияти ва мақсади ҳам инсонларнинг орзу-интилишларини қўллаб-қувватлаш ва шу орқали бахтиёр турмуш кечиришини таъминлашдан иборатдир.

Зеро, қабул қилинаётган қарорлар ва турли дастурларнинг ҳаётдаги ижроси маҳаллада амалга ошсагина, у одамлар турмуш ҳаётида ўз натижасини беради. Шу маънода жамиятнинг энг пастки бўғини бўлган маҳалла ушбу жараёнларнинг нафақат марказида, балки ижросини таъминлашдаги катта ижтимоий куч экани билан ҳам алоҳида ўрин тутади.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 1 мартдаги «Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш тизимини тақомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги фармони, айтиш керакки, мазкур жараёнларни янги босқичга олиб чиқишда муҳим ва долзарб аҳамият касб этади. Ушбу ҳужжатнинг ижтимоий аҳамияти шундаки, эндиликда оила, хотин-қизлар ва кекса авлод вакиллари билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқишда маҳалланинг ўрни янада оширилади.

Албатта, янги тизимда мамлакатимиздаги катта тажрибага эга қатлам вакиллари — нурунийларга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Зеро, кўпни кўрган оқсоқоллар, тажрибали нурунийларимиз, агар истаса, жамоатчилик билан биргаликда ҳар қандай муаммони ҳал қилишга, хато қилган ёшларни тўғри йўлга солишга қодир. Шу боис фармон билан нурунийларни оилаларни мустаҳкамлаш, ёшларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашга кенг жалб этиш, олис қишлоқларда кекса авлод вакиллари тиббий-ижтимоий хизматлар кўрсатилишини мувофиқлаштириб бориш вазирликнинг асосий вазифалари қаторига киради.



Маҳалла раисларининг обрўси, мавқеи оширилаётгани алоҳида эътирофга лойиқ. Энди раислар ўз ҳудудининг ҳақиқий эгасига, юз берган ҳар бир ҳолат учун бирламчи жавобгар ва масъул мутасаддисига айланишади. Фармон билан маҳалла раисларига қатор кўшимча ҳуқуқлар ҳам берилди. Жумладан, улар ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси ва хотин-қизлар фаоли, профилактика инспекторлари фаолиятини ҳудуддаги биринчи навбатда ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларни бартараф этишга йўналтирилади ҳамда бу борада жамоатчилик назоратини ўрнатади.

Шунингдек, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси ва хотин-қизлар фаоли, профилактика инспекторлари фаолиятини баҳолаш ҳамда натижалари бўйича тегишли халқ депутатлари Кенгашларига ахборот киритиб боради. Уларни рағбатлантириш ёки уларга нисбатан эгаллаб турган лавозимидан озод этишга бўлган жазо чораларини қўллаш бўйича мазкур ходимларнинг юқори турувчи ташкилотларига кўриб чиқиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритади.

Қолаверса, ҳужжатда маҳалла раиси ҳудуднинг аҳоли томонидан сайланган обрўли шахси сифатида ҳудудни комплекс ривожлантириш вазифалари амалга оширилишини ва фуқаролар муаммолари самарали ҳал этилишини ташкил этиши алоҳида белгилаб ўтилди. Албатта, киритилган мазкур муҳим ўзгаришлар маҳаллалардаги мавжуд масалаларни маҳалла раиси бошчилигида ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси ва хотин-қизлар фаоли, профилактика инспекторлари ёрдамида тизимли ва манзилли ҳал этишга ёрдам беради.

2022 йил 1 март куни Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ҳам қабул қилинди. Ушбу қарорнинг муҳимлиги шундаки, унга кўра, 2022 йил 1 майдан бошлаб, маҳалла раисларининг ойлик иш ҳақи миқдори у бириктирилган маҳалладаги хонадонлар сонига мутаносиб равишда қатъий белгиланди.

Шунингдек, фаолият самарадорлиги кўрсаткичларидан келиб чиқиб, маҳалла раисларини қўллаб-қувватлаш мақсадида меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасининг 15 фоизи миқдоридан моддий рағбатлантириш жамғармаси шакллантирилади. Албатта, ўз фаолиятига сидқидилдан ёндашиб, яхши натижаларга эришган маҳалла раисларини меҳнатига муносиб тарзда рағбатлантиришнинг

йўлга қўйилиши адолат мезони бўлиб хизмат қилади.


2022 йил 1 июлгача «Маҳалла тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилади. Ҳужжат билан ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси ва хотин-қизлар фаолини маҳалла кенгаши таркибига киритилади, маҳалла ходимларининг ҳудудда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалари ҳамда маҳаллани комплекс ривожлантириш бўйича коллегиял масъулият ва жавобгарлиги доираси аниқ белгиланади. Шунингдек, маҳалла раисларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими кучайтирилади, жумладан, уларнинг соғлигини тиклаш (бепул тиббий даволаниш, санаторийларга

«Бизда барча бир-бирини яхши билади»

Ҳар бир маҳаллада «Маҳалла дафтари» жорий этилгани яхши бўлди. Бу дафтарга йиғин раиси ва ўринбосарлари ҳар кунлик иш режалари ҳамда амалга оширган ишларини қайд этиб боришади. Бу тажриба аввал бўлмаган. Тан олиш керак, шу пайтгача маҳалла фақат аҳолига маълумотнома берадиган идора сифатида қаралар, ҳаттоки ўз лавозим йўриқномасида белгиланган вазифаларни билмайдиган ходимлар ҳам йўқ эмас эди. «Маҳалла дафтари» ана шундай лоқайдликка, ўзибўларчиликка ва дангасаликка чек қўядиган воситага айланди. Ходимларда масъулият ҳисси кучайди. Ҳар кун «Бугун мен маҳалламда нима иш қилдим?» деган саволга жавоб беришга одатланишмоқда.

«Маҳалла китоби» ҳам самарали юритилган. Унинг ҳам қоғоз, ҳам электрон шакли мавжуд. Маҳалла фаоллари уйма-уй юриб, ҳар битта оиладаги аъзолар сони, уларнинг яшаш тарзи, машғулот, даромади ҳақидаги маълумотлар билан уни тўлдириб боришади. Китобга ҳар бир фуқаронинг паспорт маълумотлари, ҳатто СТИР рақами ҳам киритилган. Бу эса исталган пайтда маҳалла фуқароси ҳақида тўлиқ маълумот олишга ёрдам беради. Ҳўш, бу нимага керак? Сир эмаски, маҳалла фаоллари яқин йилларгача ўз ҳудудига яшайдиган фуқаролар сонини билгану, унинг касб-кори, даромади, яшаш тарзи ҳақидаги маълумотлардан беҳабар юрган. Ахир маҳалла тизимида ишласа-ю, ўз аҳолиси рўйхати билан кифояланиб юрса, бу қайси қонунларимизга тўғри келади? Ҳаттоки маҳалла ҳудудидида содир бўлаётган ҳуқуқбузарликлардан ҳам фаоллар беҳабар юришар, бунга қарши кураш олиб бормас эди. Янги тажриба ана шундай камчиликларни бартараф этишга хизмат қилапти.

Маҳалла раиси ҳудудга масъул шахс эканини ҳис этиб яшати керак. Шундагина йиғинда муаммолар кузатилмайди. Ҳар бир масалага қонундан ва масъулият билан ёндашилса, одамларни алдамаса, уларни эшитишни билса, муаммо билан келган одамнинг ўрнига ўзини қўйиб кўра олса, камчиликлар ҳам ўз-ўзидан ечим топади.



Охириги йилларда маҳалламизда бирорта ажралиш ва жиноятчилик ҳолати кузатилмади. Бу, албатта, фақат менинг эмас, йиғин фаолларининг ҳар бир хонадонга кириб боргани, ҳар бир фуқаро билан худди ака-ука, опа-сингил бўлиб муносабатда бўлаётгани натижасидир. Ҳаттич йили номли дафтарлар билан ишладик. Агар «Аёллар дафтари»га 8 нафар, «Темир дафтар»га 30 нафар фуқаро киритилган бўлса, йил охирида барчаси рўйхатдан чиқарилди. Бунда уларнинг бандлиги таъминланди, даромад манбалари яратиб берилди. Фақат «Темир дафтар»даги битта фуқаро ногиронлиги боис ҳали ҳам рўйхатимизда турибди.

Кўп эшитиб қоламиз: қайсидир раис масъул котиб етишмаётганидан нолияди, қайси бири ҳужжатларни юритишдаги муаммолардан сўз очади, яна бошқаси ўринбосарлар ишламаётганини айтади. Ҳақиқат шунки, раис маҳаллада ишни тўғри йўлга қўйса, фаоллар билан баҳамжиҳат фаолият олиб борса, барча ишларга улгуриши ва самарага эриши тайин.

Анвар УСМОНОВ,
Тошкент вилоти Зангиота туманидаги «Балиқчи» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

Маҳалла раисларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими кучайтирилади, жумладан, уларнинг соғлигини тиклаш (бепул тиббий даволаниш, санаторийларга имтиёзли йўлланмалар бериш) ҳамда давлат мажбурий сугуртасидан (фаолияти давомида меҳнат лаёқатини йўқотганда ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплаш) фойдаланиш имкониятлари оширилади.

Санкцияларнинг салбий оқибатлари нафақат Россияга, балки бошқа мамлакатлар иқтисодиётига ҳам таъсир ўтказмай қолмайди.

Ўзбекистон фуқаролари ўзга юртларда ва ўзга юртларнинг қуроли кучларида хизмат қилиши мумкин эмас.

РОССИЯ — УКРАИНА:

ЗИДДИЯТ

Санжар ИСМАТОВ.

ИНҚИРОЗНИ ИМКОНИЯТГА АЙЛАНТИРА ОЛАДИМИ?

Айни пайтда бутун дунё эътибори Россия ва Украина ўртасида кечаётган урушга қаратилган. 24 февралдан буён давом этаётган туқнашувлар украин халқининг оромини олган, омон қолиш учун халқ метродан кўним топган, ҳозиргача деярли 1 млн. аҳоли бошқа давлатларга чиқиб кетган. Яна 200 нафардан зиёд оддий аҳоли ҳалок бўлган...



Уз навбатида, жаҳоннинг йирик давлатлари рус ҳукуматига қарши санкцияларни кўпайтирмақда. Жумладан, энг йирик Россия банклари активлари музлагилди, Россиянинг ҳарбий соҳага оид лойиҳалари молиялаштирилмайди, юқори технологиялар сотилиши тўхтатилади. Дунёнинг аксарият давлатлари ўз ҳаво худудини рус самолётлари учун ёпди. Россия халқаро SWIFT тизимидан узилиши ҳақида қарор қабул қилинди. АҚШ «Шимолӣ оқим-2» газ қувури операторига қарши санкцияларни жорий қилди, Германия эса ушбу газ қувурини сертификатлаш жараёнини тўхтатди. Санкциялар рўйхати узун...

ИҚТИСОДИЙ ТАЪСИР СЕЗИЛАРИ БЎЛИШИ МУМКИН...

Хўш, юқоридаги ҳолатлар Ўзбекистонга қандай таъсир қилади? Айниқса, иқтисодий таъсир нима-ларга тайёр туриши керак?

Жорий вазият Ўзбекистонга бошқа давлатлардан инвестиция киришига ҳам салбий таъсир қилиши мумкин. Инвесторлар Украина уруши фонидан постсовет давлатлари, жумладан, Марказий Осиёни — хатарли минтақа деган фикрга келиши мумкин.

Ҳозир уруш оқибатлари қандай бўлишидан қатъий назар, Ўзбекистон ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий, ҳам минтақавий инқирозга тайёр туриши керак бўлади. Сиёсий масалада сўз юритмоқчи эмасмиз, ҳукумат айни масалада вазмин, нейтрал позицияда экан-

нимизни эълон қилди ва бу биз учун энг тўғри йўл. Зеро, мамлакатимиз азалдан Россия билан ҳам, Украина билан ҳам яқин, дўстона муносабатларга эга. Тўғри таъкидланганидек, барча баҳс ва келишмовчиликлар фақатгина халқаро ҳуқуқ нормалари асосида ҳал қилиниши лозим.

Иқтисодий масалада эса вазият бирмунча оғирроқ бўлади. Украина можаролари билан боғлиқ санкциялар анчайин жиддий бўлиб, унинг салбий оқибатлари нафақат Россияга, балки бошқа мамлакатлар иқтисодиётига ҳам таъсир ўтказмасдан қолмайди. Буни, афсуски, Ўзбекистон ҳам ўз танасида ҳис этади.

БИРИНЧИДАН, хоҳлаймизми-йўқми, ҳали-ҳануз Россиядаги иқтисодий ҳолатга ўта даражада боғлиқмиз. Энг аввало, мамлакатда 4 млн. нафарга яқин қорақўзларимиз меҳнат қилади (расман Россияда патент тўлайдиганлар 3,4 млн. нафар) ва 2021 йилда улар Ўзбекистонга 8 млрд. доллар пул жўнатишган. Бироқ ҳозирги уруш ортидан Россия фонд биржаларида рублнинг қадрсизланиши мигрантлар хавотирини кучайтирган. Зеро, бу нарса эртага мигрантларимизнинг даромадларига кескин таъсир қилади, камайишига олиб келади, харажатлари эса кўпаяди.

Худди шундай, иқтисодий инқироз мигрантлар иш ўринларига ҳам таъсир қилади, баъзилар ишсиз қолиши мумкин, янги иш жойлари очилиши камайдди. Табиийки, бу жараён биз учун яхши янгилик эмас. Бир йилда агар Россиядаги мигрантларимиз юрти-мизга 7-8 млрд. доллар жўнатишса, бу рақамлар, дейлик, 30-40 фоизга қисқариши ниҳоятда жиддий масала. Ваҳоланки, бу маблағлар салбий ташқи савдо баланси ҳолатида (2021 йилда жами ташқи савдо ҳажми 42,1 млрд. доллар бўлган, бундан импорт 25,5 млрд., экспорт эса 16,6 млрд. доллар) Ўзбекистондаги иқтисодий ўсишни ушлаб туриш ва, айниқса, миллий валютанинг барқарорлигини сақлаш учун сув ва ҳаводек зарур.

ИККИНЧИДАН, Россиядан пул ўтказмаларининг кескин пасайиши даромад даражаси пастроқ бўлган (масалан, Сурхондарё ва Наманган вилоятлари), шунингдек, республика ташқарисидан келиб тушган пул ўтказмаларининг энг юқори улушига эга худудларга (Хоразм ва Самарқанд вилоятлари) жиддий таъсир қилади. Паст даромадли вилоятлардан чет элга кетган фуқароларнинг аксарияти паст малакали ишчилар ҳисобланади. Уларнинг асосий қисми эса айнан Россияда фаолият олиб боради. Шу жиҳатга кўра, ҳозирги инқироз даромад даражаси пастроқ вилоятларда яшовчилар учун кўпроқ қийинчиликлар туғдиради.

УЧИНЧИДАН, Ўзбекистон ҳукумати маъқуллаган аксар йирик лойиҳалар, хусусан, энергетика, транспорт, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги кўп миллиард долларлик дастурлар айнан Россиянинг «Газпром» ва «Росатом» каби давлатга қарашли компаниялари билан имзоланган. Ҳукумат маъқуллаган йирик лойиҳалар учун Россиянинг жазога тортилган банкларидан катта қарзлар олинган. Бу нима дегани? Санкция ҳолатида Ўзбекистонга Россия инвестиция ва кредитлари қисқаради. Лойиҳалар белгиланган вақтда ишга тушиши кечикади.

ТўРТИНЧИДАН, жорий вазият Ўзбекистонга бошқа давлатлардан инвестиция киришига ҳам салбий таъсир қилиши мумкин. Инвесторлар Украина уруши фонидан постсовет давлатлари, жумладан, Марказий Осиёни — хатарли минтақа деган фикрга келиши мумкин. Бу эса инвестиция қилиш истагининг камайиши демакдир.

ИНҚИРОЗ, БУ — ҚИЙИНЧИЛИК, АММО ИМКОНИЯТ ҲАМДИР

Украина ва Россия ўртасидаги зиддиятга таъсир қилолмасак ҳам, бу жараённинг бизга бўладиган таъсирини камайитиришимиз мумкин, албатта. Зеро, ҳар бир инқироз, бу — қийинчилик, аммо, шу

билан бирга, имконият ҳамдир. Хўш, ҳозирги ҳолатда, энг аввало, нималарга эътибор қаратиш ўринли бўларди? Демак, бизнингча:

ЭНГ АВВАЛО, иш жойларини яратиш бўйича шиорбозликдан воз кечиш керак. Статистикада «ўзини ўзи банд қилиш» деган тамойил билан яратилган иш жойлари рақамини шишириб бўлди. Ваҳоланки, қиракашни ҳам, аравакашни ҳам, ҳовлисига тўртта дарахт эккани ҳам шу рўйхатга киритдик. Бироқ, унутмаслик керак, иш жойларини яратиш бевоҳида тадбиркорлик муҳитига боғлиқ, бу борада тизимли ҳал этиш керак бўлган масалалар талайгина — мулк ҳимояси, солиқ юки ва сиёсати, аҳолининг молиявий саводхонлиги, кредит ставкалари, ер реформаси ва ҳоказо.

Ва, албатта, маблағ чеклангани туғайли, биринчи навбатда, кўпроқ ишчи кучи талаб қиладиган соҳаларни қўллаб-қувватлаш керак. Масалан, нима учун бизда иссиқхона секторига эътибор қаратилмайди, ахир қишлоқ хўжалигида бу энг кўп қўшимча қиймат яратадиган, энг экспорт салоҳияти юқори ва энг кўп ишчиларни банд қилиши мумкин бўлган соҳа-ку? Уларга газни арзон қилиш ўрнига қиммат қилдик, вақти-вақти билан ўчириб ҳам турдик, экспортини эркин қилиш ўрнига чегараларни очиб-ёпиб, анчасини банкрот қилдик, экспорт қилишда монополиялар яратиб кўрдик, хуллас, бу соҳанинг ривожланмаслиги учун чинакам меҳнат қилдик.

ШУНИНГДЕК, Россиянинг Европа билан иқтисодий алоқалари бузилгани биз учун айрим имкониятларни туғдиради ва бундан унумли фойдаланиш мумкин. Мисол учун, Европа ва АҚШдан Россияга импорт қилинаётган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналар Россия бозорини тўлиқ йўқотишни истамайди. Фурсатдан фойдаланиб, улар билан Ўзбекистонда қўшма корхона қилишни таклиф қилиб кўриш керак. Айрим маҳсулотларни эса ўзимизнинг тадбиркорларимиз

ҳам эплаб ишлаб чиқариши мумкин, давлат қўллаб-қувватласа ва шунга етарли шароит яратилса, албатта. Ақли етса, шунда балки «Ўзавтомоторс» ҳам қимирлаб қолар...

ҚОЛАВЕРСА, бизда камида яқин 10-15 йилда ўзимизда керагидан кўпроқ ишчи кучи бўлади, давлат қанча ҳаракат қилмасин, йилига 1-1,5 млн. реал иш жойларини ярата олмайди. Меҳнат миграцияси, аслида, биз учун ягона ечим. Аммо меҳнат бозоримиз битта Россияга боғлиқ бўлган мутахассислар керак (нега Венгрия, Польша, Болтиқбўйи мамлакатлари меҳнат бозорига қирмаймиз? Тил муаммо, десак, уларда рус тили маълум маънода ишлатилади. Ишлатилмаган тақдирда ҳам, ишчиларимизни 50 та 100 талик гуруҳларга бўлиб, битта гуруҳ боши тайинласак етади. Уша бригади музокара мунозарини қилаверади).

Демак, ҳар бир ишчи кучи танқис бўлган мамлакат билан алоҳида ишлаш, ҳар бири учун мутахассислар тайёрлаш бўйича алоҳида дастурларни йўлга қўйиш керак. Масалан, Европа, Австралия, Жанубий Корея, Канада ва қўллаб бошқа ривожланган давлатларда охириг йилларда ўзига керакли касб эгаларини жалб қилиш бўйича дастурлар мавжуд. Асосий талаб — тил ва касбини уларнинг талаб даражасида билиш. Касбий таълимни кенг қўламда ташкил қилиш ва унда ташқи бозордаги эҳтиёжни эътиборга олиш бизга керакли натижани бериши аниқ.

БУНДАН ТАШҚАРИ, ҳозирги зиддият россияликларнинг туризм йўналишига ҳам таъсир кўрсатади. Биз уларни охириг йилларда қайси йўналишларда ва нима мақсадда кўпроқ саёҳат қилганига қараб, айрим тоифадаги туристларни ўзимизга буришимиз керак. Фақат маданий-тарихий туризмни эмас, гастрономик, рекреацион, экстремал туризм каби йўналишларни жиддий ривожлантиришга ҳаракат ўз натижасини беради.

ОГОҲ БЎЛИНГ!

Қуроли низода иштирок этиш

ХАЛҚАРО ЖИНОЯТДИР

Айрим ижтимоий тармоқларда Россия ва Украина ўртасидаги қуроли туқнашувда иштирок этиш истагини билдирувчилар ёки бунга даъват қилувчилар учрамоқда.

Бироқ Ўзбекистон Жиноят кодексига кўра, ёлланганлик учун, шунингдек, Ўзбекистон фуқаросининг чет давлатларнинг ҳарбий хизматида, хавфсизлик, полиция, ҳарбий адлия органлари ёки шунга ўхшаш бошқа органларига хизматга кирганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Бундай жавобгарлик бошқа давлатларнинг қонунларида ҳам назарда тутилган. Хусусан, бутунгун кунда

низолашаётган давлатлар — Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 359-моддасида ҳамда Украина Жиноят кодексининг 447-моддасида қуроли туқнашув ёки жанговар ҳаракатларда иштирок этишида ёлланганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. 1989 йилда БМТ урушида ёлланганлик, ёлланганлардан фойдаланиш, уларни молиялаштириш ва ўқитишни тақиқлаш тўғрисидаги конвенция қабул қилган (конвенция 2006 йилда кучга кирган). Демак, ёлланиш халқаро жиноят ҳисобланади.

Ўзбекистон Жиноят кодексига кўра ёлланувчи (ёлланма) шифатида қуйидаги шахслар тушунилади: — низолашаётган давлатнинг фуқароси ёки ҳарбий хизматчиси ҳисобланмаган; — назорат қилиниб турган низолашаётган давлат худудида доимий яшамайдиган; — ҳеч қандай давлат томонидан қуроли кучлар таркибида расмий топшириқни бажариш ваколати берилмаган. Ёлланма шахсининг моддий манфаатдорлик ёки бошқа бирон шахсий манфаатни кузлаб, ўзга давлат худудиди

ёки унинг тарафини олиб қуроли туқнашувда ёхуд ҳарбий ҳаракатларда қатнашиш учун ёллангани тушунилади. Бунинг учун беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин. Ёлланма шахсни ёллаш (масалан Интернет орқали); ўқитиш; молиялаштириш; унга бошқа моддий таъминот бериш; ундан ҳарбий туқнашув ёки ҳарбий ҳаракатларда фойдаланиш ҳам жиноят ҳисобланади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг чет давлатларнинг ҳарбий

хизматида, хавфсизлик, полиция, ҳарбий адлия органлари ёки шунга ўхшаш бошқа органларига хизматга кирганлик ёки ёлланганлик учун ҳам жиноий жавобгарлик белгиланган. «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги қонуннинг 25-моддасига кўра, шахс чет давлатнинг ҳарбий хизматида, хавфсизлик органларига, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига хизматга кирганлиги оқибатида Ўзбекистон Республикасининг

фуқаролигини йўқотади. Демак, Ўзбекистон фуқаролари ўзга юртларда ва ўзга юртларнинг қуроли кучларида хизмат қилиши мумкин эмас. Бу Ўзбекистон қонунлари билан ҳам, чет эл қонунлари билан ҳам, халқаро ҳуқуқ нормалари билан ҳам ман этилган. Шу ўринда айтиш жоизки, Ўзбекистон армиясида ҳам чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар хизмат қилолмайди. Ўзбекистон фуқаролари фақат ва фақат Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари сафида хизмат қилиши мумкин.

Фарҳод ПРИМОВ, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори.



ЎЗБЕКИСТОНДА УЙ СОТИБ ОЛИШ УЧУН 17 ЙИЛ ИШЛАШ КЕРАК

Санжар ИСМАТОВ

ёхуд ипотека тўловлари ўртача даромаднинг 3,55 баробарини ташкил этади

Ўзбекистон, айниқса, Тошкентда уй-жойлар нархлари одамларнинг топаётган даромадига нисбатан анчайин баланд. Пойтахтда уйли бўлиш учун бир неча ўн мингдан, ҳатто бир неча юз минг АҚШ долларига қадар маблағ талаб этилади. Бу эса одамлар Тошкентда квартира сотиб олиш учун узоқ йиллар ишлашга мажбур эканини аниқлатади. Буни халқаро рейтинглар ҳам кўрсатиб бермоқда.

«Numbeo» халқаро ташкилотининг «Ипотека кредитларига имкониятлар» рейтингига Ўзбекистон 111 та давлат орасида 103-ўринни эгаллаган. Таҳлилларга кўра, ўзбекистонликлар ипотека тўловлари учун ўртача даромадининг 3,55 баробарини сарфлаши керак бўлади. Уй-жой нархларининг жон бошига нисбати 17,42 фоизни ташкил этиб, ўртача ҳолдаги ўзбекистонлик ўртача нархдаги уй-жойни сотиб олиши учун 17 йилу 4 ойлик даромадини шунга сарфлайди. Биз билан деярли бир хил кўрсаткичга ақсар рейтинглардаги «қўшимиз» Венесуэла ҳам сазовор бўлган.



ТАЛАБ НЕГА БИРДАН ОШИБ КЕТДИ?

Ҳўш, рейтингдан нимани аниқлашимиз мумкин? Бунда икки хил қараш мавжуд: биринчиси, Ўзбекистонда уй-жой нархлари шунчалик қимматми ёки топаётган даромадимиз эҳтиёжларимизга қараганда шунчалик камми? Иккинчиси, нархларнинг ошиши уйларнинг олдинги даврда кам қурилгани билан ифодаланадими ёки одамларда уй олиш учун даромад ошиб, талаб ортмоқдами?

Очиғини айтиш керак, 2021 йилда аҳоли жон бошига умумий даромадлар 14,8 миллион сўми ташкил этган бир шароитда уй-жойларнинг ҳозирги нархи биз учун қимматлик қилади. Қоидага кўра, ипотека бозори, уй-жойга боғлиқ талаб аҳолининг турмуш даражаси ошиб бориши билан юзага келади. Ўзбек жамиятида бундай талаб эҳтиёжлар пирамида-сида иккинчи поғонани эгаллайди (биринчиси одамнинг физиологик эҳтиёжлари билан боғлиқ).

Шу ўринда «Нима учун кейинги йилларда уй-жойга бўлган талаб бирдан ошиб кетди?», деган ҳақли савол туғилади. Бу, биринчи навбатда, туғилишнинг эмас, урбанизация даражасининг ошаётгани билан боғлиқ. Чунки аввалги даврда одамларнинг туғилиб ўсган жойида қолишига, иш жойларини ҳам, асосан, ўша

ерда яратишига эътибор қаратилган бўлса, кейинги пайтларда урбанизациянинг нисбий самардорлигини барча тушуниб етмоқда. Натижада ҳам туман ва вилоят марказларининг, ҳам пойтахтнинг кенгайиши ҳисобига уй-жойга талаб ортиши юз бераяпти.

Тўғри, юртимизда уй-жойга эҳтиёжи бор аҳоли сони кўпчилигини ҳисобга олсак, ипотека бозори сўнгги пайтларда қатор қулайликлар яратгани бор гап. Жумладан, бундай кредитлар узоқ муддатга берилмоқда, иккиламчи бозордан уй сотиб олиш имконияти яратилган. Бироқ ҳали-ҳануз ипотека бозорида қурилатган уй-жойлар сони талабга нисбатан анча кам. Аҳоли томонидан талаб юқори бўлган ўрта меъёрдаги уйлар бўйича қурувчилар бозорга етарли тақлиф чиқармаяпти.

НЕГА ҚУРИЛИШИ БИТМАГАН УЙГА КРЕДИТ БЕРИЛМАЙДИ?

Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2021 йил давомида республика бўйича жами 64,5 мингта ёки 13,6 млн. кв.м тураржойлар фойдаланишга топширилган. Бироқ, тан олиш керакки, бундай янги уйларнинг нархи анчагина қиммат. Кам даромадлилик ва расмий даромадларга эга аҳоли улушининг паст кўрсаткичда қолаётгани эса одамларнинг уй сотиб олиш имко-

НИЯТЛАРИНИ ЧЕКЛАМОҚДА.

Тўғри, субсидия тизими аҳолига кенг қулайликлар яратмоқда. Аммо субсидия фақат бирламчи бозордан, тулик қуриб битказилган уйни сотиб олишни тақозо этади. Бироқ ипотека бозорида ҳали қурилиши битмаган, қурилатган, халқ тилида айтганда, «кадастри йўқ» уйлар — энг катта талабни яратмоқда. Дейлик, кредит олоқчи бўлсангиз, банк уйнинг кадастр ҳужжатини сўрайди. Табиийки, янги қурилатган уй ҳужжати у фойдаланишга топширилиши арафасида тайёр бўлади. Ўз-ўзидан ушбу ҳужжатсиз банк кредит ажратмайди, кадастр тайёр бўлганда эса уйнинг нархи осмонга чиқиб кетади. Қолаверса, баъзи қурилиш компаниялари «кредит» сўзини эшитиши билан алоқани узиб қўяди. Улар тақлиф қилаётган 3-5 йиллик «рассрочка»ни эса (ойига ўртача 10-15 миллиондан тушади) ҳамманинг ҳам чўнтаги кўтармайди (ойига шунча даромад топадиган, шунча тўлов қилиш имкониятига эга одамга кредит ҳам, «рассрочка» ҳам керак эмаслиги ҳеч кимни қизиқтирмайди).

Кредитлар бўйича аннуитет тўловлар тартиби татбиқ этилиши ҳам ипотека имкониятларини пайсайтирмайди. Зеро, аввалги йилларда ипотека дифференциал тўловлар тартиби асосида тақдим этилган аҳолига молиявий енгилликлар

яратган эди. Мисол учун, дифференциал тартиб бўйича 20 йил муддатга бериладиган 300 млн. сўмлик ипотека кредитини сўндириш учун жами 834,8 млн. сўм туланади. Лекин қарз олувчи айна миқдордаги ипотека кредитни аннуитет шаклида олса, бу кредитни қайтариш учун жами 1 млрд. 111,2 млн. сўм (ёки 276 млн. сўм кўп) тўлов қилиши лозим бўлади.

Ҳисоб-китоблардан кўриниб турибдики, аннуитет тартибда кредитни сўндириш 30 фоиздан кўпроқ маблағ талаб этади ҳамда унга ҳисобланган ойлик фоиз тўловлар (бошида озроқ бўлса-да) юқори бўлишини аниқлатади. Бу эса, ўз навбатида, аҳолининг ойлик даромадларининг катта қисми кредит тўловлари учун йўналтирилишига ва бошқа зурурий кундалик эҳтиёжлари учун харид қобилияти пасайишига сабаб бўлади.

НИМА ҚИЛМОҚ КЕРАК?

БИРИНЧИДАН, талаб ва тақлиф ҳамоҳанг бўлиши керак. Ипотека бозорида арзон уйлар (ўрта меъёрдаги уйлар) кўпроқ қурилиши, ҳақиқий эҳтиёж ҳисобга олиниши, фақат қиммат уйлар қуриш тенденцияси қайта қуриб чиқилиши лозим.

ИККИНЧИДАН, бугун бозорда «кадастри тайёр» ва «котлован» босқичидаги уйлар нархларидаги фарқ 50-60 фоизгача етади. Шундай экан, давлат ипотека дастури доирасидаги субсидияни «котлован» босқичидаёқ расмийлаштириш тизимига ўтиш ҳақида уйлаб қуриш вақти етди. Яъни субсидия ҳали қурилиши битмаган уйларга ҳам ажратилиши керак.

УЧИНЧИДАН, миқозга ипотека кредитини сўндиришда аннуитет ёки дифференциал усулда амалга ошириш ҳуқуқи берилиши керак. Яъни кредитни қайси тўлов тартибда қайтаришни миқознинг ўзи танлаши керак.

ТўRTINЧИДАН, ипотекани ривожлантиришнинг эканлиги, илк қадамлар, албатта, пенсия ва тиббий суғурта ислоҳоти билан боғлиқ бўлиши керак. Чунки ипотека тизимида энг зарурий унсур, бу — «узун пуллар», яъни йиллар давомида тўлаб бориш шarti. Буни давлат ўзининг ресурслари билан чексиз-чегарасиз ва доимий таъминлаб тура олмайди, ташқи узун ресурсларни жалб қилиш орқали тизимни яратиш ҳам боши берк кўча. Демак, бозор қоидалари бўйича ҳаракатланадиган «узун пуллар» системасини шакллантириш орқалигина соғлом ипотека режими етади.

ҲОЛАТ



Тўхташ жойлари тартиббузарликларни тўхтатадими?

«Тошкент шаҳар жамоат транспорти тизимини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар туғрисида»ги Президент қарорига кўра, 2022 йилда Тошкент шаҳрининг 10 та кўчасида, хусусан, Фидокор, Амир Темур, Нукус, Братислава, Миробод, Глинка, Авлиё ота, Шевченко, Саид Барака, Моштабиб ва Якуб Колас кўчаларида пуллик тўхташ жойлари ташкил этилади. Бу каби тўхташ жойлари давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида ташкил қилинади ва уларда паркоматлар ўрнатилади.

Очиғи, ҳайдовчилар томонидан содир этилаётган қоидабузарликлар орасида энг кўп қайд этилаётгани айнан тўхташ ва тўхтаб туриш билан боғлиқ. Чунки шаҳарда одамлар учун шароит етарли даражада шароит яратилмаган. Масалан, тўхташ ва тўхтаб туриш тақиқланган белгиси ўрнатилган ҳудудлар ҳад-

дан зиёд кўп, бирор юмуш билан келган ҳайдовчи машинасини қаерга қўйишни билмайди.

Тошкентда қурилишлар шу даражада кўпайдики, унда яшайдиган ва ишлайдиган одамларга шароит яратиш кераклиги ақсарият ҳолларда унут бўляпти. Шу боис ҳайдовчилар қаерда бўш жой топса, ўша ҳудудга машинасини қўйиб, ишини битириб юрибди. Бу масалаларни ҳал қилиш учун Тошкент шаҳар ҳокимлиги кўпроқ бош қотириши керак. Аммо ҳозир улар қуриш ва бузиш ишлари билан банд. Йўқса, ҳокимлик биноси олдида машиналар тўхташи учун аллақачон шароит қилиб қўйган бўларди.

Ерости, ерусти, йўл чети ва бино томларига «парковка»лар қилиш пайти аллақачон келган. Янги қурилатган уйларда бу нарса инобатга олинган, аммо кўп миллионли аҳоли учун бу жуда кам ҳозирча. Шу маънода пуллик тўхташ жойларининг

ташкил этилиши айни муаммони ҳал қилишнинг энг оддий ва синалган усулидир. Ҳаммаёққа тақиқловчи белги қўйиб, камералар орқали нотўғри «парковка» учун жарима қўллаш билан иш битмайди.

Пойтахтдаги айрим автомобиль тўхташ жойлари доимо бўш бўлади. Чунки хизмат ҳақи жуда юқори. Натижада одамлар яна таваккал қилиб, машинасини тақиқловчи белгилар остига қўйиб кетаверади. Шу боис янги ташкил этиладиган «парковка»лар нархи арзонроқ, чўнтақбоп белгиланиши керак. Зеро, «Отнинг калласи»дек нарх белгилаб, бир кунда 100 минг ишлаган маъқулми ёки арзонроқ

қилиб 500 минг?

Автоматлаштирилган «парковка» билан бир қаторда, арзон нархдаги вақтинчалик тўхташ жойларини ҳам кўпайтириш керак. Бундай «стоянка»га оғир меҳнатга ярамайдиган ёки бирон нуқсон бора шахсларни ишга олиб, уларни махсус кийим-бош билан таъминлаш лозим. Бу билан юзлаб шахсларни иш билан таъминлаган бўлмас (шундоқ ҳам айрим идоралар, рестороан ва кафелар олдидан анчадан буён шундай ноқонуний хизматлар фаолият кўрсатади). Тўхташ жойларининг нархини маҳаллий ҳокимликлар томонидан белгилаш тартибини ҳам беқор қилиш вақти аллақачон келган.

P/S. Паркомат — шаҳар кўчаларида ва йўллар бўйлаб пулли автомобиль тўхташ жойларида махсус жиҳозланган ва йўл белгилар ва йўл чизиклари билан белгиланган, автомобиль тўхташ жойида муайян вақтга автомобильни жойлаштириш вақтини ўлчаш учун мўлжалланган, пулли тўхташ жойи ҳисоблагич бўлган механик, электрон ёки автоматик мослама ҳисобланади.

СТАТИСТИКА

2021 йилда қанча турар-жой фойдаланишга топширилди?

Давлат статистика қўмитаси дастлабки маълумотларига кўра, 2021 йил давомида республика бўйича жами 64,5 мингта ёки 13,6 млн. кв.м турар-жойлар фойдаланишга топширилган.

Охириги ўн бир йилда фойдаланишга топширилган турар-жойлар сони:

- 2010 йилда — 74 мингта
- 2011 йилда — 72 мингта
- 2012 йилда — 80,6 мингта
- 2013 йилда — 82,1 мингта
- 2014 йилда — 86,1 мингта
- 2015 йилда — 81,7 мингта
- 2016 йилда — 76,7 мингта
- 2017 йилда — 78,8 мингта
- 2018 йилда — 79,7 мингта
- 2019 йилда — 80,2 мингта
- 2020 йилда — 61,6 мингта
- 2021 йилда — 64,5 мингта

Қачонгача қашшоқликнинг оқибатларига қарши курашамиз, унинг сабабларига қарши курашиш вақти келмадими?

Масъуллар муаммо билан эмас, унинг эгалари билан курашишган. Муаммони ечишга эмас, вазиятдан чиқишга уринишган.

Содик АБДУРАСУЛОВ



ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ ЖАМБАГАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРА ОЛАДИМИ?

СТАТИСТИКА

Ўзбекистоннинг олтин-валюта захиралари камайди



Марказий банк Ўзбекистоннинг халқаро захиралари тўғрисидаги маълумотларни эълон қилди.

2022 йилнинг 1 февраль ҳолатига кўра, Ўзбекистоннинг олтин-валюта захиралари 34,42 млрд. долларни ташкил қилган. Таққослаш учун, бу кўрсаткич 2022 йил 1 январь ҳолатига кўра, 35,13 млрд. доллар бўлган. Рақамлар ўтган бир ойда Ўзбекистоннинг расмий захиралари қарийб 714 млн долларга камайганини кўрсатмоқда.

Январь ойи давомида олтиннинг физик ҳажми ўзгармаган – 11,4 млн. троя унция (тахминан 354,5 тонна). Аммо унинг қиймати 20,94 млрд. доллардан 20,77 млрд. долларга пасайган.

Эслатиб ўтамиз, 1 унция – 31,1 граммга тўғри келади.

Шунингдек, захира активлари таркибидаги хорижий валюта захиралари 13,07 млрд. доллардан 12,54 млрд. долларга ёки 532 млн. долларга камайган.

Захиралар мамлакатнинг «хавфсизлик ёстиқчаси» ҳам ҳисобланади – улар салбий ташқи шок ҳолатларда зарбани камайтирувчи омил сифатида зарур. Халқаро ташкилотларнинг тавсияларига кўра, ривожланаётган давлатлар учун захиралар камида 3 ойлик импортни қоплаши керак.

Олти йилдирки, ижтимоий тусдаги кредитлашга катта урғу берилляпти. Ҳар йили камбағалликни қисқартириш, камбағалдан тадбиркор яшаш шиори остида 7-10 триллион сўм маблағ 7 фоизли, 8 фоизли, 10 фоизли имтиёзли кредитлар асносида аҳолига йўналтирилади. Бундан самарали фойдаланиб, давлат кўзлаган маррага – камбағалликдан чиққан, ишли бўлган, тадбиркор мақомига эришган, ҳатто 5-10 та иш ўрни яратётганлар кам эмас. Бироқ, афсуски, уларнинг сони кредитдан самарасиз фойдаланганлар салмоғидан анча кам.

Хўш, камбағалликни қисқартириш ниятлари йўлида амалда қандай натижаларга эришяпмиз? Кредитлар билан чиндан ҳам камбағални бой қила оляпмизми?

Кўп ҳолларда имтиёзли кредит мақсадсиз ишла-тилади, иш юришмайди ва оқибатда кредит муаммога айланади. 2021 йил якунларига кўра, муаммоли кредитлар қолдиғи 16,97 трлн. сўмдан ошган ва жами кредит портфелидаги улуши 5,2 фоизга етган. Факт шуки, ажратилаётган имтиёзли кредитларнинг мутлақ кўп қисми муаммолига айланган. Кредитлар имтиёзли шартларда ажратилгани боис уларни ундиришда, ундирувни мулк ва бошқа воситаларга қаратишда бозор ва ҳуқуқ механизмлари кўллаб бўлмади.

Имтиёзли кредитлаш – у қандай яхши мақсадларни кўзлаганидан қатъи назар, фақат ўртақаш даллоллар ҳамда чайқовчилар манфаатларига хизмат қилди. Бу «ўртаччи»ларнинг манфаатлари аксар ҳолларда

махаллий ҳокимият органлари билан узвийлашиб кетган. Оқибатда бундай тизим қашшоқлардан тадбиркорларни эмас, вазиятдан фойдаланган, «таъминотчи» ниқоби остидаги чайқовчилардан миллиардерларни яратди.

Мисол учун, чорва моллари олишга кредит берилди. Кредит олувчи қайси фермердан банкка шартнома тақдим этади. Мабодо фермер таниши бўлмаса, банкнинг ўзида бор. Банк пулни фермерга кўчириб беради. Палон нархда ориққина сигир қарз олувчи қўлига тушади. Бунда қарз олувчи уч марта ютқазди: қарз оляпти, фоиз тўлаяпти, бунинг устига бозор нархидан қимматга сигир сотиб оляпти.

Кўп ҳолларда имтиёзли кредитлар, аслида, унга эҳтиёжи бўлмаганларга ҳам «насиб» этаётгани бор гап. Чунки бозордаги фоиз ставкаси 20-25 фоиз атрофида бўлган бир шароитда 7-14 фоизлик кредит ҳамма олишни хоҳлайдиган жуда танқис товарга айланади.

Ҳукумат эса қанчалик яхши «ниятлар» билан бу ишни бошламасин, бутун республикани тўлиқ назорат қилолмайди.

Имтиёзли кредитлаш тизимини ислоҳ қилиб, вазиятни ўзгартириб бўлмайди. Ундан воз кечиш керак, таомом. Уч йил бўлдики, ҳукумат имтиёзли кредит сиёсатини қайта кўриб чиқишини айтади. Бироқ натижадан дарак йўқ (тўғри-да, тасаввур қилинг, қайта молиялаштириш ставкаси 14 фоиз бўлсаю, баъзи кредит турлари 7-8 фоиз бўлса, бу – пул-кредит сиёсатининг шунчаки тўғри олиб борилмаётганидан дарак бермайдими? Қандайдир гуруҳ 7-8 фо-

излик кредит олгани учун бошқа ҳамма 25 фоизлик кредит олишга мажбур).

Хўш, кам таъминланганларга имтиёзли кредит ажратишнинг беш йиллик тажрибаси кутилган натижани бердими? Ўтган даврда 1 миллионга яқин оилага мана шундай кредитлар ажратилди. Шулардан қанчаси ўртаҳолга айланди, кимдир буни ҳисобляптими? Товуқ сақланмайдиган катаклар, қишдан чиқмай ўладиган қуёнлар, енгил шамолга дош бермайдиган иссиқхоналар, баҳорда экилиб, кузда қурийдиган лимонлар, сельфига тушадиган қорамоллар – имтиёзли кредитлашнинг рамзига айланиб қолди, холос.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИГА

МАСЪУЛЛАР НЕГА МУРОЖААТГА ЭЪТИБОРСИЗ?

«Mahalla» газетасида Марғилон шаҳар «Янги обод» маҳалласида истиқомат қилувчи фуқаролар Нарғиза Дадажоновна ва Шаҳноза Холиқоваларнинг мурожаати юзасидан бир неча бор мақолалар чоп этгандик. Жумладан, 4 нафар – бирининг ногиронлиги бор фарзанднинг онаси Нарғиза Дадажоновна сектор раҳбарининг ваъдаларига ишониб, ўзини ўзи банд қилиш учун махсус тикувчилик курсида ўқиган, лекин шу кунга қадар ўқиганлиги тўғрисидаги сертификат ҳамда ваъда қилинган тикув машинасини ололмади сарсон бўлаётгани, Шаҳноза Холиқовалар эса на сертификат, на тикув машинаси берилмагани ёритилганди. Кейинроқ «Xolis pazar» телеграм каналимизда суриштирувларимиз натижаси бўйича «Тикув машинаси машмашаси» номли видеоматериал ҳам эълон қилинади. Эътиборлиси, шу чиқишларимиздан кейин муаммони шахсан вилоят ҳокимининг ахборот хизмати раҳбари Дилмурод Жумабоев ҳамда Марғилон шаҳар ҳокими назоратга олади. Натижада Нарғиза Дадажоновнага тикув машинаси берилади. Шундан сўнг мурожаатчи тахририятта миннатдорлик мактуби йўллаган. — Барчаси учун сизларга катта раҳмат, ёрдамларингиз билан менга ҳомий топилиб, анчадан бери орзу қилган ниятимга эришдим, — дейди Нарғиза Дадажоновна. Аммо афсуски, иккинчи мурожаатчи масаласи ҳал этилмайди. Ачинарлиси, шу воқеадан 6 ой ўтса-да, Нарғиза Дадажоновна ҳам сертификат ололмайди.

Биз мавзуга яна қайтиб, газетамизнинг жорий йил февраль ойидаги сониди «Одамларни сарсон қилишдан кимга қандай манфаат бор?» сарлавҳали мақола чоп этдик. Унда мурожаатчиларга нима учун ҳамон касб-хунар марказида ўқиганлиги ҳақидаги сертификат берилмаётгани бўйича мутасаддилардан изоҳ сўралган. Марғилон шаҳри ва вилоятдаги масъуллар бу ишга Бандлик ва меҳнат муносабатлари



вазирлигини айблашган бўлса, кейинроқ вазирлик ходимлари билан суҳбатда аслида сертификатлар юборилган, фақатгина вилоятдаги

масъулларнинг масъулиятсизлиги сабабли эгаларига етиб бормагани аниқланди. Энг қизиғи, шундан кейин бўлди. Фарғона вилоятидаги масъуллар ниҳоят бизнинг чиқишларимизга эътибор қаратишди. Аммо уларнинг муносабатини ўқиб, хафсаламиз пир бўлди. Келтирилган вазирлардан маълум бўлишича, масъуллар муаммонинг оқибатлари билан курашиш ўрнига унинг муаллифлари билан банд бўлишни маъқул кўришган. Ҳатто мурожаатчиларнинг кейинги тақдири билан қизиқиб кўришмагани, шунчаки хонада ўтириволиб, жавоб тайёрлашгани биланиб қолган. Масалан, суриштирувларимиз натижасида Нарғиза Дадажонованинг тикув машинаси олганидан ҳам хабарсизлиги бизни ажаблантирди. Чунки улар муносабатда зўр бериб, бу аёлга тикув машинаси бериш мумкинмаслигини исботлашган. Ваҳоланки, Нарғиза Дадажоновна бу пайтда тикув машинаси олганига 6 ой бўлганди. Аммо Шаҳноза Холиқова ҳамон на сертификат, на тикув машинаси олмаган. Бунга сабаб сифатида улар «Аёллар дафтари»нинг 1-босқичида рўйхатда турган бўлиб, «Аёллар дафтари жамғармаси» ҳисобидан 500 000 (беш юз минг) сўмдан бир марталик моддий ёрдам маблағи ажратилган.

тасдиқланган Вақтинчалик тартиб мезони талабларига кўра субсидия асосида тикув машинаси «Аёллар дафтари»нинг «Ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз аёллар» тоифаси бўйича рўйхатга олинган хотин-қизларга ажратилиши белгилаб қўйилган. Мурожаатчи Нарғиза Дадажоновна ва Шаҳноза Холиқовалар эса, айни шу тоифага киритилмаган.

Фарғона вилоятидаги масъуллар ниҳоят бизнинг чиқишларимизга эътибор қаратишди. Аммо уларнинг муносабатини ўқиб, хафсаламиз пир бўлди.

Мана шу жиҳатни масъуллар асос сифатида кўрсатиб, ўзларини оқлашга уринишган. Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Хўш, бу аёллар ростан ҳам рўйхатнинг шу тоифасига кириш учун белгиланган мезонларга тўғри келмасиди?

Биздаги маълумотга кўра, улар айнан ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз аёллар тоифасига жуда мос келади. Аммо аёлларнинг соддалигидан фойдаланиб, «тоифа ўйини» қилинган. Яъни, сизлар рўйхатга кирдинлар, деб алдаб, бир марталик моддий ёрдам кўрсатилгандан кейин сураб ҳам

ўтирмай ундан чиқариб юборилган. Эътибор берайсизми, масъуллар муаммо билан эмас, унинг эгалари билан курашишган. Муаммони ечишга эмас, вазиятдан чиқишга уринишган. Аёлга муносабат – миллат, давлат, эртанги кун ва келажак авлодга бўлган ҳурматни намоён этишнинг асосий мезони ҳисобланади. Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизимини янги босқичга кўтариш ва аёлларнинг жамиятдаги ўрнини янада қўсалтириш ва мустаҳкамлаш, шунингдек, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, оилавий зўравонликнинг олдини олиш, гендер тенглигини қарор топтиришга қаратилган муҳим чора-тадбирлар юзасидан видеоселектор йиғилишида ҳам Давлат раҳбари жамиятда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш муҳим стратегиямиз эканини алоҳида таъкидлади. Ҳеч шубҳасиз, бугунги фаровон ҳаётимиз ҳам, ёруғ келажакимиз ҳам, албатта, оила ва жамиятнинг устуни, ҳаётимизнинг файзи ва кўрки бўлган аёлларга боғлиқ. Агар халқимиз биздан рози бўлишини хоҳласак, аввало, мўътабар оналаримиз, опасингилларимиз, қизларимиз учун муносиб турмуш шароитини яратиб беришимиз керак. Лекин нима учун Марғилон шаҳар ҳокимлиги мутасаддилари мана шу каби муҳим вазифаларга эътиборсизлик билан қарашмоқда? Мақолада кўтарилган муаммо юзасидан Фарғона вилояти ҳокимлигидан жавоб кутиб қоламиз.

Хайрулло АБДУРАҲМОҶОНОВ.

Юртимизга истеъмол учун йилига 200-300 минг тонна, уруғлик учун 17 минг тонна картошка четдан келтирилади.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган фуқаролар ҳам доимий эътиборда.

КАРТОШКА

Нафақат дунёда, балки мамлакатимизда ҳам озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва ички бозорларда нархлар барқарорлигини сақлаш долзарб масала бўлиб бораётган. Айниқса, озиқ-овқат истеъмолида муҳим ўрин тутган картошка таъминоти ва нархи ҳар биримиз учун муҳимдир. Негаки, ҳар йили баҳор фаслида ушбу маҳсулотнинг танқислиги юзага келиб, нарх ўсиши кузатилади. Давлат статистика қўмитасининг 2 март ҳолати бўйича берган маълумотга кўра, худудий марказий деҳқон бозорларида 1 кг. картошка нархи 3 000 сўмдан 7 000 сўмгача сотилапти.

Ҳўш, баҳорнинг айна паллаларида юртимиз аҳолисини картошка билан таъминлашнинг ҳолати қандай? Бу борада бирор хавотирли вазият борми? Республикада белги-ланган тиббий меъёрга мувофиқ аҳолининг картошкага 1 йиллик эҳтиёжи (Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган истеъмол меъёри 52,6 кг.) 1,9 млн. тонна талаб этилади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти меъёри бўйича эса (96,7 кг.) аҳоли истеъмоли қарийб 2 баробар кўп бўлиб, 3,4 млн. тоннани ташкил этади.

ТАЪМИНОТИ ВА НАРХИДАН ХАВОТИР БОРМИ?

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги берган маълумотга кўра, мамлакатимизда 2021 йил 78,2 минг гектар ер майдонига картошка экилиб, 3,2 млн. тонна картошка етиштирилди. Кўриниб турибдики, бизда картошка муаммоси анчагина. Шу боис 2021 йил Ўзбекистонга Эрон, Покистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Россия Федерацияси, Хитой, Туркия каби ий-гирмадан ортиқ хорижий мамлакатлардан қиймати 58 млн. АҚШ долларига тенг 528 минг тонна истеъмол картошкаси импорт қилинди.

ФАКТ:

156 мамлакатда йилига 377 миллион тоннага яқин картошка етиштирилади. Хитой, Ҳиндистон, Россия, Украина, АҚШ, Германия, Бангладеш, Польша, Франция ва Нидерландия энг етакчи ишлаб чиқарувчилар ҳисобланади. Ўзбекистон бу рўйхатда 23-ўринда туради.

Картошка таъминоти кафолатлими?

2021 йил қиш ва 2022 йил баҳор ойларида республика аҳолисини асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан кафолатли таъминлаш мақсадида 626,6 минг тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, жумладан, 294 минг тонна картошка жамғарилди.

Тошкент шаҳрининг 12 та асосий деҳқон бозорларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ярмаркалари ташкил этилиб, вилоятлар томонидан бозорларга келтирилган қишлоқ

хўжалиги маҳсулотлари савдоси учун барча шарт-шароитлар (беғул расталар, тарози, сақлаш омборхоналари) яратиб берилди. Ушбу бозор ярмаркалари 2022 йил 1 майга қадар давом эттирилиб, 75,5 минг тонна маҳсулот, хусусан, 20 минг тонна картошка етказиб берилиши кутилмоқда.

2022 йилда эса аҳоли истеъмоли учун талаб этиладиган картошка билан узлуксиз таъминлаш мақсадида 4,2 млн. тонна картошка ишлаб чиқариш режалаштирилган.

МАЪЛУМОТ УЧУН:

Ўзбекистон озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича 2021 йил «Глобал озиқ-овқат хавфсизлиги» индексида 113 та мамлакат орасида 53,8 балл билан 78-ўринни эгаллаб, 5 ғоғона кутарилди.



Ички эҳтиёж қачон қондирилади?

«East fruit» компанияси таҳлилича, юртимизда картошка етиштириш ҳажмлари йилдан-йилга аҳоли сонидан ҳам тезроқ ўсиб бораётган. Натижада 2000 йилдан 2020 йилга қадар аҳоли жон бошига картошка етиштиришнинг йиллик ҳажми 29,5 килограммдан 91 килограммгача, яъни 3 баравардан кўпроқ ўсган.

Шу боис аҳолининг картошкага бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида республикада картошкачиликни ривожлантириш бўйича 40 та туман картошка етиштиришга, шундан, 23 таси уруғлик картошкага ихтисослаштирилди. Картошкачилик йўналишида 9 та кластер ташкил этилиб, уларга 3,6 минг гектар ер ажратилди. Республика бўйича 5 та in-vitro лабораториялари ташкил этилди.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумоти-га кўра, картошканинг Ўзбекистон худудига экиш учун тавсия этилган 131 та нави давлат реестрига киритилган, шундан 19 таси маҳаллий илмий-тадқиқот институтлари томонидан яратилган. Уларнинг 11 таси институт олимларининг кўп йиллик илмий тадқиқотларининг амалий самарасидир. «Тўйимли», «Ақраб», «Диёра», «Кўксарой», «Ҳосил», айниқса, «Феруза», «Боғизғон» каби навлар кенг майдонларга экилиб келинапти.

Бироқ ўсиб бораётган бозор талабига четдан келтирилиб, заминимиз бағрида етиштири-лаётган картошка кўпроқ маъқул келмоқда. Бу, ўз навбатида, маҳаллий ва хорижий селекция ҳамда биотехнологик навларнинг бирламчи уруғчилиги-ни йўлга қўйиш, уруғлик бўйича маҳаллий ва халқаро ташкилотлар билан самарали ҳамкорликни янада кенгайтиришни тақозо этапти.

Хабарингиз бўлса, Ўзбекистонга юқори авлодли уруғлик картошка етказиб берувчи асосий давлатлар Нидерландия ва Россия ҳисобланади. Бундай картош-



ФАКТ:

Юртимизга истеъмол учун йилига 200-300 минг тонна, уруғлик учун 17 минг тонна картошка четдан келтирилади.

канинг нархи транспорт харажатлари ва сотувчи устамасидан келиб чиққан ҳолда, уни мустақил равишда етиштириш

имконига эга бўлган мамлакатларга қараганда камида икки баравар юқори бўляпти. Уруғлик картошка қиймати эса одатда уни етиштириш харажатлари-да энг катта улушни эгаллайди.

Қайд этганимиздек, уруғлик элита навларининг асосий қисми юртимизга четдан олиб келинади. Президентнинг 2020 йил 6 майдаги «Республикада картошка етиштириш ва уруғчилигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан ана шу жиҳатлар ҳисобга олиниб, хориждан келтириладиган уруғлик 2023 йил 1 июлгача бўлган муддатга божхона божидан озод этилган. Шу вақт мобайнида мамлакатимизда соҳа уруғчилигини ривожлантиришга катта эътибор қаратилади. Хусусан, картошка экиш учун мўлжалланган экин майдонининг камида 50 фоизда супер элита ва (ёки) элита ва авлод уруғларини етиштиришни йўлга қўйилишини таъминлашни белгиланган.

Шу мақсадда Тошкент вилояти Юқоричирчиқ туманида Ўзбекистон-Венгрия картошкачилик илмий маркази иш бошлади. Марказий Осиёда ягона ҳисобланган ушбу муассасада маҳаллий ва хорижий навларни чагиштириш орқали картошка етиштиришнинг

барча босқичларида сифатни таъминлашга қаратилган комплекс тизим ишлаб чиқилиши, 50 дан ортиқ нав маҳаллийлаштирилиб, картошка генофонди яхшиланиши учун замонавий шарт-шароитлар яратилган. Бу ерда Венгрия селекциясига мансуб 6 та – «Арапи клирк», «Balatoni Rossa», «Demon», «Botant», «White», «09-688» нав намуналари юртимиз тупроқ-иқлим шароитида синовдан ўтказилди.

Таҳлил ва хулосалар асосида 6 та нав намунасида барчасининг ўсиб-ривожланиши, маҳаллий тупроқ-иқлим шароитига мослашиши ижобий баҳоланди. Таққосланганда, олимларимиз томонидан реестрга киритилган «Пском» навида ўртача ҳосилдорлик гектар бошига 18,6 тоннани ташкил этган бўлса, Венгриянинг «Botant» навида 39,5 тоннадан кўпроқ тош босди. Бу кўрсаткич ўз стандарт нави-га нисбатан 112 фоиз юқори ҳисобланади. Шу тариқа юртимиз майдонларига эртапишар, бозорбон «Balatoni Rossa», «Botant», «White», «Demon», «09-688» навларини экиш тавсия этилмоқда.

Шу тариқа, инновацион усуллар самарасида 2023 йилгача ҳосилдорлик 30-50 фоизгача оширилиб, 2024 йилга бориб 21 минг тонна уруғлик картошка етиштириши, бу борадаги импорт ўрнини тўлиқ қоплаш мақсад қилинган. Демак, уруғлик таъминлангач, картошка плантациялари янада кенгайиб, аҳолининг картошкага бўлган талаби ўзимизда етиштирилган маҳсулотлар билан тўлиқ таъминланади.

Достон РУСТАМОВ тайёрлади.

«МАҲАЛЛА СОАТИ»

фаолиятда асқотяпти

Маҳалламизда яшовчи аҳоли фаровонлигини оширишда куруқ гаплар билан эмас, балки аниқ ва манзилли, фойда ва самара келтирадиган лойиҳаларни амалга оширганимиз бугун ҳар жиҳатдан ўзини оқламақда.

Атабой САПАЕВ, Урганч шаҳар «Зиёкорлар» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

Хусусан, ҳар сешанба куни «Маҳалла соати» учрашувини ўтказиб, унда фаоллар, кўчабошилар ҳафта якуни бўйича қилинган ишлар, аниқланган муаммоларга барҳам бериш чоралари кўрилгани ҳақида ахборот алмашди ва истиқболдаги вазифаларни режалаштириб оладилар.

Ушбу йиғилишларда йиғин ходимлари билан бирга, худудга бириктирилган соҳа ходимлари (молия, бандликка кўмаклашиш маркази, газ, сув, иссиқлик таъминоти, солиқ, санитария-эпидемиология маркази, махсустранс инспекторлари, почта ходими, 3-сон оилавий поликлиникаси «Наврўз» бўлими бош врачлари, 22-мактаб директори, 7-мактабгача таълим муассасаси мудираси) ҳам иштирок этишади. Унда маҳалладаги ижтимоий-иқтисодий, маънавий муҳит барқарорлигининг ҳолати ва камчиликларни бартараф этишга оид масалалар муҳокама қилиниб, тақлифлар ишлаб чиқилади ҳамда соҳа ходимларига ой давомида биргаликда амалга оширишлари лозим бўлган вазифалар тақсимланади.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган фуқаролар ҳам доимий эътиборимизда. Кичик муаммоларни ўзимиз, агар шаҳар ва вилоят миқёсида ҳал этиладиган масалалар бўлса, тегишли мутасадди ходимларни жалб қилган ҳолда ҳал этиб келяпмиз. Аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича 122 нафар фуқаромиз имтиёзли кредитлар олиб, ўз тадбиркорлик

фаолиятини бошлашди. Шунингдек, ажралиш ёқасида турган, носоглом маънавий муҳитда яшаётган ҳамда жазони ижро этиш муассасаларида бўлган шахсларнинг оилалари манзилли ўрганилиб, профилактик тадбирлар белгиланди. Бунинг натижасида 12 нафар оила ажрашишдан сақлаб қолинди. Хозирда улар яраштирилиб, тинч-тотув яшаб келишмоқда.

Бундан ташқари, бириктирилган асосий йўналиш бўйича комиссиялар раисларининг ҳамда «Ота-оналар университети» раҳбарининг ҳафта давомида амалга оширадиган ишлари ходими, 3-сон оилавий поликлиникаси «Наврўз» бўлими бош врачлари, 22-мактаб директори, 7-мактабгача таълим муассасаси мудираси) ҳам иштирок этишади. Унда маҳалладаги ижтимоий-иқтисодий, маънавий муҳит барқарорлигининг ҳолати ва камчиликларни бартараф этишга оид масалалар муҳокама қилиниб, тақлифлар ишлаб чиқилади ҳамда соҳа ходимларига ой давомида биргаликда амалга оширишлари лозим бўлган вазифалар тақсимланади.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган фуқаролар ҳам доимий эътиборимизда. Кичик муаммоларни ўзимиз, агар шаҳар ва вилоят миқёсида ҳал этиладиган масалалар бўлса, тегишли мутасадди ходимларни жалб қилган ҳолда ҳал этиб келяпмиз. Аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича 122 нафар фуқаромиз имтиёзли кредитлар олиб, ўз тадбиркорлик

Кувонарлиси, маҳалла кенгаши «Кексалар маслаҳати» гуруҳи ва профилактика инспекторлари билан ҳамкорлик фаолиятини самарали олиб бориши натижасида маҳаллада бирорта жиноят содир этилмади.

«АРГОС ХИЁБОНИ» ТАШКИЛ ЭТИЛДИ



Президентимиз ғояси билан жорий йилнинг 1 мартдан мамлакатимизда «Яшил йиллик» умуммиллий лойиҳаси бошланди.

Шунга мувофиқ, Тошкент шаҳрида ҳам баҳорги кўчат экиш тадбирлари уюшқоқлик билан давом этмоқда. Давлат, жамоат ташкилотлари вакиллари, нурунийлар ва ёшлар буш ерларга маҳаллий иқлимга мос турли дарахт кўчатларини экиб, яшиллик оламини янада кенгайтирмоқда.

Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Тошкент шаҳар филиали ходимлари ҳам мазкур

лойиҳада фаол иштирок этиб, пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги Абдулла Қодирий боғи атрофида 170 га яқин манзарали дарахт кўчатлари қадади, худуд ободонлаштирилиб, «Аргос хиёбони» ташкил этилди.

Санжар ФАРМОНОВ, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Тошкент шаҳар филиали етакчи инспектори.

Хўш, алданиб қолгандан кейин нима қилмоқ керак? Бу вазиятда жабрланувчи ариза билан мурожаат қилади.

Қаллобликни аниқлашнинг энг содда йўли электрон хат келган почтага қараш. Агарда у тушунарсиз бўлса, очмаслик керак.



Глоблалашув жараёни барча соҳаларда ўзгаришларга йўл очмоқда. Аввал тасаввур қилмаган воқеликлар бугун ҳақиқатга айланмоқда. Мисол учун, ҳар бир инсон уйда ўтириб, дунёнинг хоҳлаган еридан ўзига маъқул маҳсулотни сотиб олиши мумкин. Онлайн савдо орқали бу ишлар муаммога айланмай қолди. Айниқса, коронавирус пандемияси даврида онлайн харидлар, аҳоли орасида электрон тижорат, ижтимоий тармоқлар ва мессенжерлар орқали савдони амалга ошириш янада оммалашди. Хусусан, Ўзбекистонда ҳам Facebook, Instagram, Telegram ва WhatsApp каби иловаларда интернет фойдаланувчилари ўзаро олди-сотди ишларини амалга оширмоқда.

Хеч шубҳасиз, бу савдо турининг афзалликлари кўп. Аввало, интернет орқали савдоларни амалга ошириш жараёни одамларнинг вақтини тежайди. Бироқ айти шу жараёнда интернетдаги онлайн савдолар фирибгарларнинг турли схемаларни амалга оширишида қўл келмоқда.

Қаллобликни аниқлашнинг энг содда йўли электрон хат келган почтага қараш. Агарда у тушунарсиз бўлса, очмаслик керак. Хат келган электрон манзилнинг охири mail.ru, google.com, yandex.ru ёки шу каби ишончли почта манзиллари бўлмайди. Хабарнинг ёзилиш тартиби, тузилишига эътибор берилса, у қисқа ва содда бўлади.

хати юбормаслик лозим. «Сармоясиз иш, +++ ёз» шаклидаги таклиф ҳам Facebook ва Инстаграмда жуда кенг тарқалган фирибгарлик. Бунда Сиздан ҳеч қандай сармоя талаб қилинмайди. Аммо бирор-бир косметикани сотиб олишингиз ёки бирор жойга маблағ киритишингиз талаб этилади. Ёки сиз ҳам шу каби постларни тарқатиб, ўша компания маҳсулотларини сотиб оладиган одамларни қидиришингиз керак.

даражада ҳимояланган? Ички ишлар вазирлиги ахборот хизмати раҳбари Шохруҳ Ғиёсовнинг маълум қилишича, онлайн фирибгарлардан сақланиш учун, аввало, ҳар бир фуқаро ҳуқуқий саводхон бўлиши керак. Бу ҳақда банк томонидан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ҳам бир неча бор тушунтирилса-да, барибир алданиб қолиш ҳоллари учрамоқда.

воситалари, препаратлар ва яна бошқа нарсалар сотишни йўлга қўйишни таклиф қилади. Бошланмасига 500 минг сўм ёки 1 миллион сўм атрофидаги маблағ билан савдони йўлга қўйиб, яхши даромад қилиш мумкинлигини тушунтиради. Ноқонуний савдо таклиф этган фирибгарлар енгил пул топмоқчи, тижорат қилмоқчи бўлган шахсдан дастлабки маблағни электрон шаклда қабул қилиб олгач, пулларни қайтармайди ва бундан бизнес бошламоқчи бўлган фойдаланувчи зарар кўради. Икки томон ўртасида ҳеч қандай қонуний ҳужжатнинг йўқлиги, фойдаланувчининг ўзи фирибгарга ишониб пластик картасидаги маблағни ўтказиб бергани ишни янада чигаллаштиради.

Кейинги пайтда аксарият одамлар томонидан шу каби фирибгарлик ўйинлари ортиб бораётгани қайд этилмоқда.

Сиз пул ютдингиз, ютуғингизни 3 кун ичида олиб кетинг, дейишади. Бу ҳам ҳозирда энг кўп тарқалган фирибгарлик турларидан. Пулни олиш учун сиздан фақат почтангиз, интернет ҳамёнингиз кўрсатилиши сўралади. Кўрсатганингиздан кейин эса...

Бир гуруҳ фирибгарлар эса, 1000 доллар сармоя киритсангиз, бир йилда 30 000 доллар ишлаб олишингизга ишонтиради. Бу сумма сизнинг молиявий ҳолатингизга қараб, 50 долларгача тушиб бориши мумкин. Ҳатто умуман пулим йўқ, десангиз, сизга танишлардан қарз олиб туришни ҳам маслаҳат беришади.

Хўш, алданиб қолгандан кейин нима қилмоқ керак? Бу вазиятда жабрланувчи ариза билан мурожаат қилади. Шу аризага асосан, фирибгарлик бўйича иш очилади.

«Ўзкомназорат» давлат инспекцияси мессенжерлар ва ижтимоий тармоқларда бу каби «тармоқли маркетинг», «янгича бизнес», «катта даромад келтирадиган иш» каби эълонларни диққат билан кўздан кечириш лозимлигини эслатмоқда. Фойдаланувчиларга шу каби тижорат йўлларини қайди қилаётган бегона шахсларга пластик карта рақами, паспорт маълумотлари ва бошқа шахсий ахборотларни ошкор қилмаслик, уларнинг ҳисоб рақамига ўз пулларини ўтказиб бермаслик тавсия этилган.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ

Ҳарфлари нормадан катта қилиб ёзилган ва турли ранглар берилган. Имкон даражасида электрон хат юборилган почтага жавоб

Мавзу бўйича ўрганишлар давомида қизиқ ҳолатга гувоҳ бўлдик. Чиндан ҳам, бу каби фирибгарлик содир этилса, жабрланувчи манфаатларини ҳимояловчи қонуний асослар деярли йўқ. Масалан, сиз товар сотиб олганингизда сотувчи уни вақтида ёки умуман етказиб бермади. Хўш, бу ҳолда харидор нима қилади? Кимга мурожаат этади? Дейлик, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ариза берса, харидор ҳуқуқлари қай

БУГУННИНГ ГАПИ

Халқ қабулхоналари ва ёрдамчилари «Маҳаллабай» ишлаши самара бераётир

Яқинда Президентимиз Халқ қабулхоналари янги форматда иш бошлашини таъкидлаб, энди мазкур тузилма шаҳар ва тумандан маҳаллага тушиши, «маҳаллабай» фуқароларни қабул қилиб, уларнинг масалалари ечимига ёрдам бериши зарурлигини билдирди.

Масалан, Абдурахмон Жомий номидаги маҳаллада аҳолининг қийнаётган асосий масала ишсизлик экани маълум бўлди. Бу масалани ижобий ечишда эса янги иш ўринлари яратишга эътибор қаратдик. Маҳалламизда тикувчилик корхонаси ишга тушиши натижасида 220 та янги иш ўрни яратилди. Корхонада маҳалланинг 38 нафар ишсиз фуқароси иш билан банд қилинди.

Масалан, Гулбахор Худойкулов ҳам яқин вақтларгача ишсизликдан азият чекарди. Икки фарзандни едириб-ичириш, тарбиялаш осон бўлмасди. Февраль ойидан бошлаб у ҳам аини шу корхона ишчисига айланди.

Мансур АБДУСАТТОРОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Бош инспектори.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Халқ қабулхонасининг оммавий ахборот воситалари билан ишлаш шубҳаси берган маълумотга кўра, 2022 йилнинг ўтган икки ойида фуқаролардан келиб тушган мурожаатлар «маҳаллабай» ва «фуқаробай» тарзда ҳал этилмоқда.

Маҳалланинг ҳоким ёрдамчиси Нурбек Қурбоновнинг айтишича, янги иш бошлаган даврдан то шу кунгача барча хонадонларда ўрганиш олиб борилган. Хатлов натижаларига кўра, муаммоларни ечишда Халқ қабулхонаси билан ҳамкорлик гоёта самарали бўлмоқда. Барча ташкилот ва корхона раҳбарлари иштирокида сайёр қабуллар ўтказилиб, аксарият муаммолар жойида ҳал этилмоқда.

— Шунингдек, шаҳарнинг «Шодиёна» маҳалласида яқинда замонавий иссиқхона барпо этилди, — дейди Азамат Сайидмуродов. — Ушбу иссиқхона 10 гектар майдонга ташкил этилган бўлиб, 2,5 гектарида бодринг, 7,5 гектарида эса помидор етиштирилади. Маҳсулотларнинг 90 фоизи экспорт қилинмоқда.

Англаганингиздек, Халқ қабулхоналари ва ҳоким ёрдамчилари томонидан мурожаатлар билан маҳаллага тушиб ишлашга эътибор берилмоқда. Бу эса яқин вақтларда ўз ижобий меvasини бериши шубҳасиз.

— Сирдарё вилояти Янгиер шаҳридаги Халқ қабулхонаси ходимлари аҳоли муаммоларини маҳаллаларга чиқиб ўрганиш, уларга ечим топнишда ўзига хос ютуқларга эришмоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси Президентининг Янгиер шаҳридаги Халқ қабулхонаси мудирини Азамат Сайидмуродов. — Жорий йилнинг 2 ойи давомида маҳалла аҳолисининг 100 дан ортиқ муаммолари аниқланиб, уларнинг 80 фоизи ижобий ечим топди. Тахлилларга қарасак, мурожаатларнинг асосий қисми уй-жой, бандлик, соғлиқни сақлаш, тадбиркорлик, коммунал соҳалар билан боғлиқ экани аниқланди. Бу муаммоларни ҳал этишда «маҳаллабай» тарзда ишлаш, ҳоким ёрдамчилари билан изчил ҳамкорлик қилиш кутилган натижани бермоқда.



«Маҳалламиз биноси ҳашар йўли билан қуриляпти»



Маҳаллада доим иш қизғин. Одамлар яхши кунда ҳам, ташвишли кунда ҳам маҳаллага боришади. Албатта, иш унуми ва самардорлиги учун маҳалланинг ўз идораси бўлгани яхши. Шу пайтгача маҳалламизнинг биноси бўлмаган. Туман ҳокимининг қарори билан 9 сотихли ер ажратилиб берилди. Аммо қурилиш учун инвестор топилмади.

Ҳикматилло ҚОСИМОВ, Пайриқ туманидаги «Мустақиллик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

Мақсадимизни эшитган маҳалладошларимизнинг ўзи йигини биносини қуришга ёрдам бериш таклифи билан чиққани, очиги, қутилмаган ҳолат бўлган. Аҳоли кўмагида икки қаватли маҳалла биносини қуришга қарор қилдик. Ҳозирда қурилиш ишлари авж палласида. Туман ҳокимидан 13 миллион сўм, аҳоли томонидан эса шу пайтгача 230 миллион сўм сарфланди. Аҳоли қўлидан келганича беминнат ёрдам беришти. Маҳалламиздаги усталар ҳаммасига бош-қош. Кимдир керакли қурилиш материаллари сотиб олиб берса, яна кимдир техникалар билан ёрдам бермоқда. Ҳеч бир хонадон қараб тургани йўқ. Ҳашарга йиғилганлар учун хонадонлар навбат билан оўқат етказиб турибди.

Ҳашар — халқимизга хос қадрият экани яна бир қарра исботланди. Бу жараёни кўрган киши демак, маҳалла маскани халқ учун жуда керакли эканлигини ҳис этади. Режаларимиз кўп. Қурилаётган бино икки қаватли бўлиб, жами ўн та хонадан иборат. Иккинчи қаватидан маҳалламиз ёшлари учун хорижий тилларни ўргатадиган марказ очмоқчимиз. Пастдан сартарошхона ҳам қилинади. Тадбиркорларга ҳеч бир тўловсиз хоналарни бермоқчимиз. Идорамиз ёнидан замонавий болалар майдончасини ҳам қуриш ниятимиз бор. Албатта, бу таклифларимиз аҳолига маъқул тушиб, маҳалламизни қўллаб-қувватлашга шайлигини айтишгани янада қувонтирди.

ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАР МЕҲНАТИГА БАРҲАМ БЕРДИ



Халқаро меҳнат ташкилотининг янги хулосаларига кўра (www.ilo.org), Ўзбекистон 2021 йилги пахта ишлаб чиқариш цикли давомида мажбурий ва болалар меҳнатига барҳам беришга муваффақ бўлди. Ўзбекистонда пахта соҳасини ислоҳ қилиш жараёни бошланганидан бун болалар меҳнатидан 2 миллион киши, мажбурий меҳнатдан эса ярим миллион киши озод қилинган.

Пахта терими бўйича мус-тақил мониторинг ҳисоботида кўра, 2021 йилги пахта теримида қатнашганларнинг 99 фоизи их-тиёрй равишда меҳнат қилган. Сўровда қатнашган теримчи-ларнинг аксарияти меҳнат ша-роитлари 2020 йилга нисбатан яхшиланганини айтишган.

Бу хулосалар Жаҳон банки билан келишув асосида 2015 йилдан бун Ўзбекистонда пахта йиғим-терими мониторинг-ини олиб бораётган ХМТнинг учинчи томон мониторинги лойиҳасининг энг сўнгисидир.

– Ҳамкорлигимиз яхши натижалар берди, чунки 7 йилдан сўнг бу йилги ҳисобот ўзбек пахтаси болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатдан холи эканини кўрсатди, – дейди Халқаро меҳнат ташкилоти Бош директори Гай Райдер. – Энди Ўзбекистонда қўшимча қий-мат занжири бўйича юқорига кўтарилиш мақсадини амалга ошириш ва тўқимачилик ва тикувчилик саноатида милли-онлаб иш ўринларини яратиш имконияти мавжуд.

Халқаро меҳнат ташкилоти ҳисоботида Олий Мажлис Сена-

ти раиси, Мажбурий меҳнат ва одам савдосига қарши курашиш миллий комиссияси раҳбари Танзила Норбоеванинг фикр-лари ҳам қайд этилган: «Биз бу ислохотларни халқимиз ва иқтисодиётимизга фойда келти-риш мақсадида амалга ошир-дик. Бошланғич нуқта пахта етиштиришда давлат буюртма-си тизимини бекор қилиш эди, бироқ биз шу билан чекланиб қолмадик. Биз меҳнат ҳуқуқла-ри бўйича хабардорликни ошириш кампаниялари орқали фикрлаш ва ҳулк-атворни ўзгар-тириш учун тинимсиз ишладик. Болалар меҳнати ва мажбурий меҳнати жиноят деб топдик. Биз меҳнат инспекциясини кучайтирдик ва умумий фикр ва ечимларни аниқлаш учун фуқаро-лик жамияти билан мулоқот қилдик», дейилади ҳисоботда.

Бу борада ХМТ ТПМ лойиҳаси-нинг Ўзбекистондаги бош техник маслаҳатчиси Енас Аструп Ўзбекистонда меҳнат бозорида демократлашганидан далолат берувчи янги ўзгаришлар кузати-лаётганини таъкидлади.

– Биринчи марта энг кам иш ҳақи миқдори нафақат ҳукумат,

балки Ўзбекистон касаба уюш-малари ва иш берувчилар билан ҳам маслаҳатлашилган, – дейди Енас Аструп. – Биз, шунингдек, бошланғич даражада жамоавий битимларнинг пайдо бўлаёт-ган тенденциясини кузатдик. Пахта теримчилари фермерлар ва тўқимачилик кластерлари билан норасмий иш ҳақи бўй-ча музокаралар олиб боришди. Натижада кўплаб теримчилар энг кам иш ҳақидан анча юқори маош олдилар.

ФАКТ: Ўзбекистон пахта етиштириш бўйича дунёда олтинчи ўрунда туради

Халқаро меҳнат ташкилоти-нинг учинчи томон мониторинг-и лойиҳаси Европа Иттифоқи, АҚШ Давлат департаменти, Швейцария ҳукумати ва Герма-ния кўмағида амалга оширил-моқда. У жорий йилнинг май ойида ниҳоясига етади ва Ўзбе-кистон ҳукумати, ишчилар ва

иш берувчилар ташкилотлари илтимосига кўра «Яхшироқ иш» дастурининг техник-иқтисодий асослаши амалга оширилади. «Яхшироқ иш» дастури ХМТ ва Жаҳон банки гуруҳининг қўшма ташаббуси ҳисобланади.

Дарҳақиқат, Президент та-шаббуси ва саъй-ҳаракати билан мажбурий ва болалар меҳнатига барҳам берилиб, қонунчилик асослари ҳам кучайтириб бо-рилмоқда. Жумладан, 2018-2021 йилларда тегишли кодекс ва қонунларга ўзгартириш ва қў-шимчалар киритилиб, болалар меҳнатидан фойдаланишга йўл қўйилмаслик тўғрисидаги тала-бларни бузиш ҳамда меҳнатга маъмурий тарзда мажбурият каби хатти-ҳаракатлар учун маъмурий ва жиноят жавобгар-лик кучайтирилди.

Кўрилатган чоралар мам-лакатимизда болалар меҳнати-нинг ҳар қандай шаклларида барҳам беришда ўз самара-сини бермоқда. Буни нуфузли халқаро ва хорижий экспертлар ҳамжамяти маълумотлари ҳам тасдиқлайди. Жумладан, 2018 йил АҚШ Ўзбекистоннинг пахта маҳсулотларини болалар меҳна-

ти орқали етиштириладиган маҳсулотлар рўйхатидан чиқар-ди. 2020 йил 30 сентябрда АҚШ Меҳнат вазирлиги Ўзбекистонда болалар меҳнатининг энг ёмон шаклларида барҳам беришга қаратилган саъй-ҳаракатлар муваффақиятга эришганини эътироф этди. 2021 йил 27 январ-да «Коттон Компейн» халқаро коалицияси ўз расмий веб-сайти-да «Ўзбек пахтачилигида ўзга-раётган манзара» сарлавҳасида Ўзбекистонда 2020 йилги пахта йиғим-терими мавсуми давоми-да болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатнинг олдини олиш бўйича кўрилатган чоралар ўз самара-сини берганини эътироф этди.

Шубҳасиз, пахта теримидаги мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига қарши курашиш соҳасида эришилган ютуқлар, Ўзбекистондаги ислохотлар муваффақиятининг муҳим кўрсаткичи бўлиб, мамлакат-нинг халқаро нуфузи ва ижти-моий-иқтисодий тараққиёти суруятлари ўсишига ўзининг ижобий таъсирини ўтказмоқда.

Мақсадбек ҚўҶҚОРОВ тайёрлади.

БУГУННИНГ ГАПИ



Бугун Янгибозор тумани фаоллари Президентимизнинг «Жамиятнинг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавийдир!», деган сўзларини фаолиятнинг мезонига айлантиришган. Бунинг амалий исботи сифатида туманда бунёд этилган «Маънавият ва маърифат» масканида китобхоналар учун 150 мингдан ортиқ китоб фондига эга бўлган улкан кутубхона ташкил этилди.



Рустам ЮСУПОВ.

Кутубхона за-монавий ўқув зали, катта

ҳажмдаги монитор ва бепул интернет билан таъминланди. Шунингдек,

масканда «IT MARKAZ» фаолияти йўлга қўйилиб, маҳаллий бюджетнинг

ЧИНАКАМ БЎСТОНГА АЙЛАНАЁТИР

қўшимча маблағлари ҳи-сбидан жиҳозланди.

Яна бир қувонарли мақсадидаги истироҳат боғи қайта таъмирланиб, тарихда ватанпарвар-лиги, енгилмас иродаси билан из қолдирган 10 нафар буюк аждодлари-миз ҳайкали ўрнатилди. Бу, албатта, аҳоли, айниқ-са, ёшлар қалбига маъ-навий-иқтисодий миллий қадриятларимиз, тарихий илдизларимиз билан чамбарчас боғлаган ҳолда меҳр-муҳаббат ва эҳтиром туғулларини мустаҳкам-лашда катта аҳамият касб этади. Қувонарлиси, амалга оширилган ишлар натижасида туман «Энг намунали туман» танлови-нинг Республика босқичи-да фахрли иккинчи ўринга лойиқ деб топилди.

– Кунни кеча «Бўстон» маҳалласида бунёд этил-ган маҳалла фуқаролар йиғини, оилавий поликли-ника биносининг очили-ши тадбирларининг узвий давоми сифатида мактаб спорт зали қурилишига тамал тоши қўйилди, – дейди Янгибозор тумани маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Феруза Рўзмето-ва. – Тумандаги барча мак-табларда бошланғич синф ўқувчиларига қўшимча си-фатида иссиқ овқат бериш ишлари йўлга қўйилди.

Таълим сифатини ошириш, иқтидорли ва истеъодли ўқувчиларни рағбатлан-тириш мақсадида туман маҳаллий бюджетги ҳисо-бидан стипендиялар, аниқ-фанлар учун ал-Хоразмий, Швейцария гуманитар фанлар учун аз-Замахша-рий, табиий фанлар учун ал-Беруний номидаги ҳоким стипендиялари жо-рий қилиш бўйича танлов Низомлари ишлаб чиқил-ди. Қувонарлиси, узоқ ма-софага қатнаб ишлайдиган ўқитувчилар учун бепул ойлик йўл чипталари таш-кил этилди. Шунингдек, уларга мактаб ўқитувчиси эканлигини тасдиқловчи гувоҳнома ҳам тақдим этилмоқда. Эндиликда ўқитувчилар Янгибозор туман тажрибаси сифа-тида ойлик йўл чиптаси билан туман ичида бепул ҳаракатланишади.

Туманда аҳоли банд-лигини таъминлашга кундалик долзарб маса-ла сифатида қаралиб, бу йўналишда ҳам алоҳида ташаббуслар илгари су-рилмоқда. Бунга маҳалла-лардаги 500 нафар ишсиз аҳолининг ободонлашти-риш, дала маданиятини юксалтириш борасидаги жамоат ишларига жалб қилиниши орқали банд-лиги таъминланганини мисол қилиб кўрсатиши-миз мумкин. Ишчиларга туман маҳаллий бюджети-

нинг орттирилган қисми маблағларидан 1 млн. сўмдан иш ҳақлари тўлаб бориляпти.

– «Яшил макон» умум-миллий лойиҳаси дои-расида туман аҳолиси ўз фаолликларини кўрсатиб келишмоқда, – дейди «Бўс-тон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мақсуда Раимбоева. – Хусусан, ту-ман марказидаги 16 гектар майдонда «Яшил жамоат парки» ташкил қилин-моқда. Худудга 1 миллион туп кўчат экилиши режа-лаштирилган. Эътиборли-си, тумандаги мавжуд 30 та маҳаллада маҳаллий бюджет маблағлари ҳисо-бидан жамоатчи экология инспектори (агроном) штат бирлиги жорий қили-ниб, ишга қабул қилинган ходимларга гувоҳномалар топширилди. Яратилаёт-ган имконият ва шаро-итларга жавобан туман фаоллари маррани баланд олган ҳолда, белгилан-ган 1 миллион 343 минг туп меваги ва манзарали дарахтлар экиш режаси-ни икки баробар ортиги билан бажаришни ният қилиб, ишларни бошлаб юборишган.

Хуллас, бугун туманда ҳар бир жабҳада амалга оширилаётган янгилиниш, бунёдкорлик ва ободон-лаштириш, кенг қўламли қурилиш ишлари давом этмоқда.

Mahalla

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

МУАССИС:

«Mahalla» nashriyot-matbaa uy-i
масъулияти чекланган жамияти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2019 йил 24 сентябрда 0019 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
«Mahalla» газетаси муҳаррири
Санжар ИСМАТОВ
«Mahalla ko'zgusi» журнали муҳаррири
Рустам ЮСУПОВ
Саҳифаловчи:
Абдулазиз АҲМЕДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Улчами — 350х587, 4 босма табоқ. 5000 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-318 1 2 3 4 5 6

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Мустақиллик шохкўчаси, 59-уй. Индекс: 100192
Телефонлар:
Қабулхона: 71 233-39-89,
Котибият: 71 237-56-80,
Факс: 71 233-10-73.
Баҳоси келишилган нархда.

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

Нашр кўрсаткичи: 148